

**КОРХОНА СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ АУДИТИНИНГ РОЛИ**

**ROLE OF TAX AUDIT IN ENSURING EFFECTIVE MANAGEMENT
OF CORPORATE TAX OBLIGATIONS**

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич

*Тошкент молия институти,
“Иқтисодий таҳлил” кафедраси
доценти, PhD.*

Abdullayev Abror Bozarboyevich

*Tashkent Financial Institute,
Associate Professor of the
Department of "Economic Analysis", PhD.*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида амалдаги молия-солиқ қонунчилиги асосида корхона солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлашда солиқ аудитининг таъсирчан восита ва фойдаланиш зарурлиги ва аҳамияти, ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари давлатнинг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ ҳисоби, аудитининг халқаро стандартларга мослашувини таъминлаш тезкор тадбирлари нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, солиқ, солиқ тўловчилар, солиққа тортиш, солиқ мажбурияти, солиқ интизоми, солиқ назорати, солиқ текширувлари, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ аудити.

Abstract: In the article, at the current stage of the liberalization and modernization of the economy in the Republic of Uzbekistan, the need and importance of the effective tool and use of the tax audit in ensuring the effective management of the tax obligations of the enterprise on the basis of the current financial and tax legislation, the features and problems of the present time, the improvement of the state's tax administration and the adaptation of tax accounting and auditing to international standards viewed from the point of view of rapid measures of provision.

Key words: enterprise, tax, taxpayers, taxation, tax liability, tax discipline, tax control, tax inspections, tax administration, tax audit.

Кириш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари эркин фаолияти ва соғлом рақобатни таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга оид профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш - иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим устувор вазибалари ҳисобланади.

Мазкур жиҳатлар мамлакатимизда 2018 йилдан бошланган солиқ тизими модернизациясининг илк яқунларини сарҳисоб қилиш учун корхоналар солиқ мажбуриятлари тизими ва уларнинг солиқ имкониятларини самарали бошқариш тадбирларини чуқур тадқиқ этиш заруратини кўрсатди. Ҳозирги кунда

иктисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги солиқ сиёсати концепцияси доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида, “рақамли иқтисодиётга асосланган электрон ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйиш”, “эркин рақобатга асосланган тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш”, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлиши “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмининг яратиш масаласининг аҳамияти ўсганлиги боис бу соҳадаги тадқиқотларни янада кучайтириш зарурияти юзага келди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни тақдим этишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди[1].

Адабиётлар таҳлили.

Солиқларни режалаштириш микродаражада корхоналар, яъни солиқ тўловчиларда улар зиммасига юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришнинг молиявий режаси - солиқларни режалаштириш шаклида намоён бўлади.

Аксарият иқтисодчи-олимлар солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг моҳиятини синоним категориялар деб нотўғри талқин қиладилар.

Айрим иқтисодчилар[2] солиқларни режалаштириш жараёнини корхоналарда солиқ қонунчилиги доирасида солиқлар бўйича харажатларни минималлаштириш ва корхонанинг молиявий натижасини максималлаштиришга қаратилган молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида изоҳлайдилар. Бу ерда солиқларни минималлаштириш деганда, мавжуд қонунчиликдаги ўзгаришларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд имтиёزلардан тўлақонли фойдаланиш, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошириш ҳисобига ортиқча жарималарни тўламаслик ҳисобига харажатларни камайтириш назарда тутилади. Шу боисдан солиқларни режалаштириш жараёнида харажатларни минималлаштиришни солиқларни тўлашдан қочиш, бўйин товлаш ёки солиқларни реал ҳажмдан кам тўлаш каби тушунча ва жараёнлардан фарқланади.

Баъзи адабиётларда[3] солиқларни режалаштириш жараёнини корхоналарда бюджетлаштириш жараёни сифатида изоҳлашса, баъзи иқтисодчилар солиқларни бюджетлаштириш жараёнини солиқларни тўғри режалаштириш оқибатида иқтисод қилиб қолинган даромадлар ва солиқларни режалаштириш жараёни билан боғлиқ харажатларнинг солиштирма таҳлили сифатида қарайдилар. Шунингдек, ушбу қайд этиб ўтилган адабиётларда корхона

доирасида амалга оширишнинг методлари сифатида корхонанинг солиқ сиёсатини шакллантириш, корхонанинг иқтисодий-ҳуқуқий фаолиятини таҳлил қилиш, хўжалик муносабатларини алмаштириш, муносабатларни тақсимлаш, солиқ тўловларини кечиктириш, солиқ объектларини тўғридан-тўғри қисқартириш ва шу каби методларни келтириб ўтади.

Аммо, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнининг ташкилий босқичлари билан боғлиқ ёндашувларнинг аҳамиятини тўла инкор этмаган ҳолда уни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан ўзимизнинг илмий ёндашувимизни келтириб ўтмоқчимиз. Буни биз қуйида таклиф этилаётган "Корхоналарда солиқ мажбуриятини бошқаришнинг махсус модели" орқали изоҳлаймиз.

Бу моделнинг моҳияти шундан иборатки, корхонада солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ жараёнларнинг ўзаро кетма-кетликда уларнинг комплекс натижаларини акс эттиради. Бизнинг фикримизча, корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш қобилиятини аниқлаш, корхонанинг солиқ мажбурияти ва пул фондлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш, корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ёки корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни минималлаштириш йўллариини ишлаб чиқиш каби мақсадлардан бирини асос қилиб олиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Солиққа тортиш назариясининг асосий муаммоларидан бири, бу солиқ тўловчилар учун оптимал солиқ юкини аниқлаш ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали максимал фойда олишдан манфаатдор бўлган иқтисодий агентлар солиқ мажбуриятларида имкон даражада солиқ юкини камайтиришга ҳаракат қила бошлайди. Бунда асосан иккита йўл бўлиб: иқтисодий фаолиятда таркибий самарадорлик ҳисобидан солиқ мажбуриятларини камайтириш ва солиқ юкини бошқа иқтисодий агентларга ўтказиш йўли билан солиқ юкини камайтириш ҳисобланади. Дастлаб ушбу масалалар иқтисодчи-олимлар А.Маршалл, П.Самуэльсон, А.Пигу илмий асарларида ўз аксини топган.

Америкалик иқтисодчи А.Лаффер XX асрнинг 70-80 йилларида солиқ тушумини солиқ ставкаси билан боғлиқлигини аниқлайди. Бу боғлиқлик самараси солиқ ставкаси 50% гача бўлса солиқ тушуми ошишини, 50%дан юқори бўлганда эса солиқ тушуми давлат бюджетига тушиши камайишини аниқлаган. Олимлар ўртасида ушбу боғлиқлик - Лаффер эгри чизиғи номи билан аталади[4].

Маълумки, давлат солиқлар орқали иқтисодий жараёнларни тартибга солшдан ташқари ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган молиявий ресурсларга ҳам эга бўлади. Солиқларни жорий этиш, солиқ прогнози орқали давлат бюджети параметрларини тузиш, солиқ йигилувчанлик даражасини ошириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш давлатнинг мазкур йўналишдаги сиёсатининг асосини ташкил этди. Шунингдек, корпоратив тузилмалар томонидан солиққа тортиш тартибларини танлаш, имтиёз ва преференцияларга мослашиш, шартномаларнинг солиқ оқибатларига таъсирини баҳолаш орқали корпоратив солиқ менежментининг амал қилиши таъминланади[5].

Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда “корхона молиявий ресурсларини самарали бошқаришнинг солиқ омиллари” тушунчаси мазмунига таъриф берилмаган ҳамда корхонада солиқ бюджетини ташкил этиш ва мукаммаллаштириш тартиби белгиланмаган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг молиявий асослари шаклланишига ижобий таъсир этишнинг муҳим усулларида бири - корхона фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг муҳим вазифаси сифатида солиқларнинг ижобий таъсирини кучайтириш ҳамда салбий таъсирини камайтиришдир. Ҳар қандай корхона ўзининг бюджет олдидаги солиқ мажбуриятларини максимал даражада қисқартириш учун қонунда белгиланган тартибда бизнесни юритиш ва хўжалик операцияларини ҳисобга олишнинг самарали усуллари ва йўлларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир (1-расм).



1-расм. Солиқ мажбуриятининг шаклланиш модели¹

1-расмнинг шу жиҳати эътиборлики, амалдаги қонунчилик доирасида корхонанинг солиқ бурчи мавжудлиги объектив тарзда амал қилсада, у ҳали солиқ мажбуриятининг кўлами ва унинг ижро этилиши учун имкониятларни баҳолаш имконини бермайди.

¹Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 йилдаги ЎРҚ-136-сон ҳамда 30.12.2020 йилдаги ЎРҚ-599-сонли Қонунлари асосида ишлаб чиқилди.

Солиқларни ундиришда солиқ интизомига риоя этилиши даражасини ошириш йўллари ёки солиқ тўловчиларнинг ихтиёрийлик асосида тўланган солиқлари улушини оширишни ўзида жамлаган солиқ амалиётининг янги талабларига мос тарзда солиққа тортиш тамойилларини такомиллаштириш лозим, чунки солиқ муносабатлари иерархиясида унинг иштирокчилари ўзаро манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш солиқ тўловчилар хулқига таъсир кўрсатувчи солиқ тизими фаолияти тамойиллари орқали амалга оширилади. Ўзаро манфаатлар мутаносиблигига базавий тамойиллар ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги ролини, ҳозирги замон солиқ базаларининг хусусиятларини, солиққа тортишнинг трансакцион харажатларини инобатга олувчи қўшимча тамойилларга риоя этилиши натижасида эришилади.

Солиқларни тўлашнинг ихтиёрийлиги даражасини ошириш мақсадида корхоналар солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг янгича мазмунини асослаш учун корпоратив солиқларни режалаштириш амалиётида солиқ интизомини мустаҳкамлаш тамойиллари солиқ тушумларини прогноз қилиш самарадорлигига, солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлаш мажбурияти қоидаларига оғишмай риоя қилинишига ҳамда солиқлар йиғилувчанлигини оширишга имкон беради[6].

Ўзбекистон Республикасида корпоратив молия менежменти ва унинг таркибий қисми бўлмиш корпоратив солиқ менежменти тизими ва солиқ тизими модернизацияси шароитида корхона солиқмажбуриятлари ижроси илмий тадқиқига тизимли ёндошув уни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги муносабатлар мажмуи сифатида ўрганишни талаб этади: халқаро миқёсда (корхона солиқ мажбуриятлари ижроси тизимининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва халқаро солиқ келишувлари талабларини инобатга олиш), мамлакат миқёсида (солиқмажбуриятлари ижроси ҳисоби ва таҳлилини миллий стандартлар, унинг тармоқ хусусиятлари ва амалдаги солиқ қонунчилиги талаблари асосида ташкил этиш), корхона миқёсида (корхонанинг ўз солиқ ҳисоби сиёсати стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш).

Юридик шахслар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри тўланиши, аввало, уларда солиқ менежментининг муҳим бўғини бўлмиш солиқ ҳисобининг қай даражада юритилишига боғлиқ. Солиқ ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритишда ҳисобнинг асосий вазифалари белгилаб олинади. Солиқ ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- юридик шахслар томонидан солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш;
- ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни давлат бюджети ҳамда давлатнинг мақсадли фондларига ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёزلардан кенг фойдаланиш.

Солиқ аудити – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ солиқ ҳисобланишининг тўғрилиги, ўз вақтида ва тўлиқлигини, шунингдек солиқ ҳисоботининг барча шакллари шакллантириш ва солиқ органларига тақдим этишнинг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғрилигини текшириш. Солиқ мажбуриятларини текшириш солиқ текширувини ўтказиш орқали ҳам,

солиқ мажбуриятларини ҳисоблашни текширишнинг келишилган тартибларини ўтказиш орқали ҳам мумкин. Солиқ текширувнинг аҳамияти корxonанинг солиқ рискларини ўз вақтида баҳолаш ва уларни минималлаштиришдан иборат.

Солиқ аудити бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботларини аудиторлик ташкилоти томонидан текшириш бўлиб, уларнинг ишончлилиқ даражаси ва амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисида эксперт хулосасини тузишга қаратилган. Бундан ташқари, барча даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва бошқа тўловларни шакллантириш, тўлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс еттириш тартиби текширилиши шарт.

Солиқ аудити масаласи бўйича ўрганилган илмий ишларни ҳисобга олган ҳолда унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: **солиқ аудити** – корxonанинг солиқ ҳисоби, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, корxона фаолиятидаги солиқ таваккалчилигини ҳар томонлама мустақил текширишдир.

Солиқ аудити - бу текширилаётган корxonанинг солиқ ҳисоботини ҳар томонлама қайта кўриб чиқишни таъминлайдиган хизматдир. Солиқ аудити бухгалтерия ҳисоби ёки молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида йўл қўйилган барча ноаниқликларни аниқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига зид бўлган барча номувофиқликларни бартараф етиш мақсадида амалга оширилади.

Солиқ аудитининг асосий мақсади - солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо чораларининг олдини олишдир. Солиқ текширувини ўтказиш жараёнида компания-аудитор солиққа тортишни оптималлаштириш ва режалаштириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишга ва уларни миқдорнинг манфаатларига риоя қилган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Хулоса.

Умуман, корxона солиқ мажбуриятларини режалаштириш ва самарали бошқаришда солиқ аудитининг ролини ошириш воситасида натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Корxона солиқ мажбуриятлари ижроси тизими модернизациясининг янги талаблари - солиқ мажбуриятлари ижроси тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ миллий стандартларни ишлаб чиқишни кўзда тутди.

2. Корxона солиқ менежменти - солиқ мажбуриятлари, уларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, солиқ тўловларини имтиёз ва рағбатлар тизимини эътиборга олиб ҳисоблаш, тўлаш, таҳлил қилиш, ҳисоботни тайёрлаш, юбориш ва ушбу жараёнларни самарали бошқаришга қаратилган тадбирлар тизимидир.

3. Корxона ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда умумқабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, тамойил ва усулларни хўжалик юритувчи субъект ўзининг хусусиятларига мос ҳолда қўллашнинг ифодаловчи ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳужжатлар мажмуасидир[7].

4. Давлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш, ҳар бир ходим томонидан “Солиқ хизмати

- инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” - деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариши энг муҳим йўналиш сифатида белгиланган.

5. Солиқ аудити орқали текшириладиган бухгалтерия ҳисоби объектининг ишончилигини баҳолаш шаклланади. Корхонанинг солиқ мажбуриятларини текширишда тахлилий амаллардан кенг ва самарали фойдаланиш керак, чунки улар ёрдамида режалаштириш жараёнида, шунингдек, муҳимлик даражаси каби асосий кўрсаткичларни аниқлашда аудиторнинг етиборини аудит сифати ва рисклар муаммоли соҳаларга қаратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

2. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).

3. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. International Finance and Accounting, 2021(2), 29.

4. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.

5. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(11), 74-79.

6. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>

7. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

8. Курбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

9. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>

10. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И

- Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
11. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
12. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарг технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
13. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405
14. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
15. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>
16. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>
17. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229. Извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795
18. Qlichev Bakhtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
19. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>
20. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
21. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).

22. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>

23. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.

24. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . *World Scientific Research Journal*, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>

25. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. *World Economics and Finance Bulletin*, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>